



## THE CONCEPT OF WAQFS AND WAQF ORGANIZATIONS IN HISTORY

**Nafisa A. Valiyeva**

*Senior lecturer*

*Namangan State University*

*Namangan, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** waqf, namazkhana, madrasa, madhhab, zakat, ushr, fitr.

**Received:** 23.05.22

**Accepted:** 25.05.22

**Published:** 27.05.22

**Abstract:** This article provides information about the waqf properties and list of waqf grounds for their management, and explains the way they are run. There is also a list of waqf properties and a list of waqf organizations.

## ВАҚФ ТУШУНЧАСИ ВА ТАРИХДАГИ ВАҚФ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАҚИДА

**Нафиса А. Валиева**

*Катта ўқитувчи*

*Наманган давлат университети*

*Наманган, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** вақф, намозхона, мадраса, мазҳаб, закот, ушр, фитр.

**Аннотация:** Ушбу мақолада вақф мулклари ва уларни тасарруф этилишидаги асослар ҳақида маълумот берилиб, вақф хўжаликлари, уларни юритиш йўллари изоҳлаб кетилган. Шунингдек, вақф мулклари рўйхати кўрсатилиб, вақф ташкилотлари санаб кетилган.

## КОНЦЕПЦИЯ ВАКФОВ И ВАКФНЫХ ОРГАНИЗАЦИИ В ИСТОРИИ

**Нафиса А. Валиева**

*Старший преподаватель*

*Наманганский государственный университет*

*Наманган, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** вақф, намазхана, медресе, мазҳаб, закят, ушр, фитр.

**Аннотация:** В этой статье представлена информация об имуществе вакфов и основах управления ими, рассказывается о вакфных фермах и

способах управления ими. Существует также список объектов пожертвований и список организаций пожертвований.

---

### КИРИШ

Юртимиз тарихида мамлакатда вақф мулклари хусусида турли хил қайдномаларни кўриш мумкин. Хусусан мактаб, мадраса, масжид мулклари асосан вақф хўжаликларидан тўпланган мулклар эвазига керакли соҳага йўналтирилган. Аслида вақф нима эди? «Вақф» бу «вақафа» (тўхтатди) феълининг иш-ҳаракат номи (масдари) бўлиб, луғатда «тўхтатиш», «тутиб қолиш» маъносини англатади. Кўпинча эса мазкур сўз билан масдар эмас балки, вақф қилинган нарса тушунилади.

«Тўхтатиш», «тутиб қолиш» сўзига қандай алоқаси бор, десангиз айтиш жоизки, одатда вақф қилинган нарса хоҳ у манкул (кўчар мулк) бўлсин, хоҳ ғайри манкул (кўчмас мулк) бўлсин, одатий ашёлар каби одамлар бемалол сотиб олиб, сўнг яна сотиб юбораверишларидан ва улар ўртасидаги муомалада бошқа товарлар каби айланиб юришидан тўсиб, тўхтатиб қўйилади. Аллоҳ учун вақф қилинган нарсаларга берилган умумий ном ушбу маънодан келиб чиққан.

Вақф сўзининг истилоҳий маъноси борасида фуқаҳолар тарафидан турли-хил таърифлар айтилган. Уларнинг хулосаси шуки, «вақф бу — бирор объектни Аллоҳнинг мулки бўлиши узра (олди-берди муомаласидан) тўсиб қўйиш ва ундан ҳосил бўладиган манфаатни эса муайян қатламга ёки барча эҳтиёжмандларга ёхуд омма мусулмонлар учун садақаи жория қилиб қилиб қўйишдир».

Мисол учун, бир инсоннинг боғи бор. У инсон ўша боғни ундан чиқадиган мевалар халққа тарқатилишига кўра Аллоҳ учун вақф қилдим, деса ёки шу ишни расмийлаштириб қўйса, унинг боғидан ҳосил бўлган мевалар мудом халқ учун хайр-эхсон қилинади.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Вақф мулки шаръий ҳукмда мулк ўлароқ кимнинг номида қолади уни вақф қилган инсоннингми ёки мазкур шахснинг мулкидан чиқиб Аллоҳнинг мулки деб эътибор қилинадими(?), деган масала борасида ҳам фуқаҳолар ўртасида бироз ихтилоф мавжуд. Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ)га кўра, вақф мулки гарчи ундан ҳосил бўладиган манфаат садақа қилинса ҳам аммо унинг асли вақф қилган инсоннинг мулкياتи қолади, деганлар.

Ушбу қавлга кўра вақф мулкининг асли худди фойдаланишга бериб туриладиган буюм кабидир. Шунга биноан, у меросхўрларга қолиши, сотилиши ёхуд эгаси томонидан вақфдан чиқарилиши мумкин. Негаки, Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) наздида вақф қилинган нарса шаръий жиҳатдан лозимлик касб этмайди ва ундан исталган пайт қайтилиши мумкин. Бу сўз эса имом Муҳаммаднинг мабсутида келгани каби имом Абу

Ҳанифа (раҳимахуллох)нинг аслида вақф тушунчасини жоиз деб билмасликларига бориб тақалади. Бошқа ривоятларда эса вақф Абу Ҳанифа (раҳимахуллох)га кўра жоиздир аммо, лозимлик касб этмайди.

Имом Абу Ҳанифага кўра фақат, бир ҳолатдагина вақф унинг эгасининг мулкидан чиқиб, лозимлик касб этади. У ҳам бўлса, давлат бошлиғи тайинлаган ҳоким шундай ҳукм қилса, яъни, вақф қилинган мазкур мулкни эгасининг тасарруфидан буткул чиқариш қарорини қилса, ана ўшанда вақф қилинган нарса эгасининг тасарруфидан чиқиб кетади.

Лекин, масжид масаласида у зот ҳам бошқа фуқаҳолар сингари масжид куриб битказиб, у ерда ҳатто бир киши тарафидан бўлса ҳам намоз ўқилиши билан у уни қурган инсоннинг мулкидан чиқиб, Аллоҳнинг мулкига айланади дейдилар. Фақат, бу масжид ҳақиқий маънодаги масжид бўлиши керак. Қандайдир бино ичида намозхона қилиб қўйилган жой гарчи, намоз ўқиш жоиз бўлса-да фикҳий маънодаги тўлақонли масжид ҳисобланмайди.

Бироқ, фуқаҳоларнинг аксари шу жумладан имом Аҳмад ва имом Шофеийларга кўра ҳамда мазҳабимиз асосчиларидан имом Абу Ҳанифа (раҳимахуллох)нинг икки буюк издоши имом Абу Юсуф ва имом Муҳаммадлар наздида вақф қилинган нарсанинг эгалиги вақф қилувчи шахс тасарруфидан чиқиб, Аллоҳнинг мулкига қайтади. Ушбу қараш жумҳур уламоларнинг фикри бўлиши билан бирга ҳанафий мазҳабида ҳам мухтор ва муфто биҳи саналган мўътамад қавллар жумласига киради.

Имом Муҳаммадга кўра вақф эгасининг тасарруфидан чиқиб кетиши учун тегишли объект мутаваллий яъни вақф ишлари учун тайинланган раҳбар шахсга топширилиши ва у эса уни қабул қилиб олиши шарт.

Имом Абу Юсуф наздида эса вақф кучга кириши учун бир оғиз сўз кифоядир. Яъни, фалон мулкимни вақф қилдим деб айтса, шунинг ўзи билан вақф қилинган ашё эгасининг мулкидан чиқиб, лузумият касб этади. Зеро, бу ҳам худди қул озод қилиш каби ўз мулкидан воз кечиш демакдир. Бунинг учун эса сўз кифоя қилади. Имом Шофеий дохил аксар аҳли илмнинг қавли ҳам шудир. Имом Абу Ҳанифа ва Имом Муҳаммадга кўра, бирор мулк вақф қилинаётганда ундан чиқадиган манфаатнинг абадийян сарфланиш жиҳатини зикр қилиш вақфнинг дуруст бўлиши учун шартдир.

Аммо, имом Абу Юсуфга наздида вақф қилишда унинг манфаати учун абадий сарфланиш жиҳатини тилга олиш шарт эмас. Яъни, «абадий» сўзини айтиш шарт эмас. Балки, вақф қилувчи жисмоний шахслардан иборат бирор жиҳатни белгилайди. Агар мазкур жиҳат қачондир узилиб қолса, бояги вақф мулкидан чиқадиган манфаат фақирларга сарфланади.

Имом Абу Ҳанифага кўра китоб, Мусхаф, рўзгор буюмлари, либос ва ҳоказолар каби манкул ашёларни вақф қилиш дуруст эмас. Чунки, бу нарсалар ишлатилиш оқибатида ейилиб, эскириши, ишдан чиқиши мумкинлиги эътиборидан уларга нисбатан абадийлик тушунчасини ишлатиб бўлмайди.

Абу Юсуфга кўра манкул мулкдан фақат ҳадиси шарифларда зикри келган от-улов ва қурол-аслаҳа каби нарсаларнигина вақф қилиш дуруст.

Имом Муҳаммад наздида эса одамлар орасида муомалада бўлган, сотилиб-сотиб олинувчи ёхуд орийатга бериладиган ҳар қандай буюмни вақф қилиш жоиз. Зеро, таомил бу қиёсдан ҳам кучли мавқега эга балки, у ижмо каби кучли далилдир.

Лекин, манкул деганда тезда истеъмол қилиб, йўқ қилиб юбориладиган маҳсулотлар тушунилмайди. Масалан егулигу ичимлик, ғалла ва бошқа истеъмол маҳсулотлари вақф қилинмайди. Чунки, вақф бирор объектнинг аслига оид тушунча бўлиб, ундан чиқадиган манфаатни садақа қилишни кўзда тутати. Масалан, юз гектар далани ундан чиқадиган мева, ғалла каби манфаатни эҳтиёжмандларга садақа қилиш йўлига кўра вақф қилишингиз мумкин. Аммо, бир қоп ун ёки бир коса овқат вақф қилинмайди. Чунки, буларнинг ўзи манфаатдир.

Вақф бу садақаи жориядир.

Вақф ташкилотлари қадимда мусулмон мамлакатларида хилма-хил ва сон-саноксиз бўлган. Мазкур муассасалар таъбир жоиз бўлса, ислом цивилизациясининг нечоғли олийжаноб ва ҳассослигини акс эттирувчи юзлаб рангда жилоланувчи инъикосидан бири эди.

Исломий вақфлар жамият аъзоларини ижтимоий бирдамлик соябони остида жамлаб турган. Бойлар ва эҳтиёжмандлар ўртасидаги дўст-биродарлик тушунчасини мустаҳкамлаш учун ўзига хос кўприк вазифасини ўтаган.

Қадимдан бадавлат мусулмонлар дунё ва охират яхшиликларини қўлга киритиш учун Аллоҳ уларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсонлар қилишда пешқадам бўлганлар. Вафотларидан сўнг ҳам қиёматга қадар савобидан баҳраманд бўлишлари учун ўз мулкларидан бир қисмини Аллоҳ йўлида вақф қилганлар. Зеро, вақф бу садақаи жориянинг бир туридир.

Вақфлар ижтимоий ҳимоянинг барча турини ўзида қамраб олган. Вақф шифохоналари, вақф мадрасалари, вақф меҳмонхоналар, работлар, масжидлар, йўллар, кўприklar, эҳтиёж соҳибларини таом билан таъминловчи вақфлар, қарздорларга ёрдам берувчи вақфлар, мусофирлар учун ажратилган вақфлар ва бошқа кўплаб йўналишда фаолият юритувчи вақф ташкилотлари бор эди[1].

Машхур мусулмон саёҳатчиси Ибн Баттута саккизинчи ҳижрий юз йилликда Баҳрий Мамлуклар ҳукми остидаги Дамашқ шаҳрида кўрган ўнлаб турдаги, юзлаб вақф муассасаларини кўргандаги хайратини кўйидагича ифода этади: «Дамашқдаги вақфларнинг тури ва сафланиш жиҳатлари шу қадар кўплигидан, уларнинг саноғига етиб бўлмайди. Масалан, ҳажга боролмайдиганлар учун уларнинг номидан ҳаж қилувчиларни етарли маблағ билан таъминлайдиган вақфлар, қизларига сеп қилишга кучи етмайдиган оилаларнинг қизларига барча сеп ва жиҳозларини тайёрлаб, тўйини ўтказиб берадиган вақфлар, асирларни озод қилиш учун керакли маблағларни берувчи вақфлар, мусофир юртда пули тугаб қолганлиги туфайли уйига қайтиб кетолмаётган ибни сабиллар учун хосланган вақфлар бор. Бундай турдаги вақфлар мусофирларга таом, кийим-кечак ва юртларига қайтиш учун керакли нарсаларни тақдим этади[2]. Шунингдек, йўлларни тўғрилаш ва уларга тош ётказиш учун мўлжалланган вақфлар ҳам буларга мисол бўла олади. Чунки, Дамашқ кўчалари шундай тарздаки, унинг икки четида пиёдалар юрадиган йўлкалар бўлади, ўртасидаги (каттарок) йўлкада эса отлиқлар юради. Яна, санаганларимиздан бошқа хайр ишлари учун очилган турли хил вақфлар бор» («Ибн Баттутанинг саёҳати»: 99-бет;).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5416-сон Фармони бўйича “Вақф” хайрия жамоат фонди ташкил этилди. Фонд 10 май куни Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказилди.

Вақф ўзи нима?

“Вақф” сўзи луғатларда “тутиб туриш”, “тўхтатиш” маъноларида келади. Вақфнинг шаръий таърифи борасида турли фикрлар билдирилган. “Вақф - нарсани Аллоҳ мулки ҳисобида сақлашдир”. Яъни, вақф қилинган нарса вақф қилувчининг мулкидан чиқади ва Аллоҳ мулкига айланади. Вақф қилинган нарсадан келадиган фойда вақф қилувчи уни вақф этишда тайинлаган жиҳатга (масалан, талабалар, мусофирлар, камбағаллар каби) сарф қилинади ва савоби вақф қилувчига абадий бўлади. Вақф қилинган нарса сотилмайди, ҳадя қилинмайди, мерос бўлмайди[3].

Фонднинг асосий мулки вақф мулкидан келган маблағларми?

Фонднинг маблағлари 3 қисмга бўлинади. Яъни, 1. Хайрия бўлими; 2. Вақф бўлими; 3; Закот, ушр, фитр ва фидя бўлими. Билишимиз керакки, ҳозирги кунда 3 та бўлимнинг ҳам алоҳида-алоҳида ҳисоб рақами мавжуд. Дейлик, бир киши закот учун фондга маблағ ўтказса, ўтказилган маблағ закот бўлимига тушади. Шу билан биргаликда шариатда

айтилган ўринларга сарф қилиниши айтимокда. Умумий қилиб айтганда фонд фақатгина вақф мулкидан иборат эмас[4].

Фонднинг асосий вазифалари нималардан иборат?

Фондга келиб тушган маблағлар масжидлар ва диний таълим муассасаларининг биноларини қуриш, таъмирлаш, реконструкция қилиш, диний таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчилари, мутахассислари ва ўқувчи-талабаларини моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан, имконияти чекланган шахсларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш каби бир қатор ишлар учун сарфланади.

Фондга маблағлар қай тартибда йиғилади?

Ҳозирги вақтда фонд хайрия маблағларни одамлар қийинчиликсиз ўтказишлари учун электрон тўлов тизимларига уланмоқда. Жумладан, Click, Payme тизимларига уланиб бўлинди. Бу дегани сиз пластик карта орқали истасангиз закот, вақф ёки хайрия маблағларини фондга ўтказишингиз мумкин. Ундан ташқари Ўзбекистондаги барча инфокиоскалар орқали фондга хайрия қилиш имконияти яратилди. Улардан фонднинг исталган бўлимига нақд ёки пластик карта орқали пул ўтказиш мумкин.

### ХУЛОСА

Хулоса шундаки, 2021 йил мобайнида ҳисоботларни текшириш мобайнида шу ҳолат аниқландики, Вақф хайрия жамоат фонди июнь ойида жами бўлиб 231 838 600 сўм закот ва хайрия маблағларини шариатда кўрсатилган ўринларга етказди. Маблағлар муҳтож, бемор, уйсиз, қаровчиси йўқ ёши улуғларга, кўзи ожизлар ва ногиронлар жамиятига нақд пул ёки пластик карта орқали берилди.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Маъмуров М. М. Рус шарқшунослари асрларида Қўқон хонлиги хўжалиги тарихининг айрим жиҳатлари. Журнал. Academic research in educational sciences. 2020. Б.341-347.
2. “Муҳаммад Раҳимхон 2 мадрасаси вақф хўжалиги: маъмурий тузилиши ва иқтисоди. Ўзбекистон тарихи, 3(2015), pp.12-21.
3. Мамадаминова Б. Хоразм Халқ Совет Республикасидаги сиёсий жараёнлар ва ижтимоий муносабатлар. Тарихга оид маълумотлар таҳлили. Даврий матбуот материаллар. Б. 213-218.
4. Агзамхўжаев С. С. Политизация джадидидского движения и вкратка им программных проектов будущего устройства Туркестана: 1905-1917 гг// Ислам в

современном мире: внутригосударственный и международно-политический аспекты. Нижний Новгород, 2009. Б. 243-251.

5. Zokirovich, Q. S. (2021). Social factors of entrepreneurship support in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(4), 1502-1507.

6. Козоков, С. З. (2020). ЎЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ. *Журнал Социальных Исследований*, 3(2).

7. Казаков, С. З. (2019). Социальные факторы формирования представлений о предпринимательстве в Узбекистане. *Социальная политика и социальное партнерство*, (12), 55-63.

8. Козоков, С. З. (2020). ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ТАЪСИРИ. *Журнал Социальных Исследований*, 3(1).

9. Mukumzhanovna, M. M. (2022, March). THE ROLE OF ARCHIVAL ACTIVITIES IN THE SYSTEM OF SOCIAL MANAGEMENT IN UZBEKISTAN AT THE PRESENT STAGE. In *E Conference Zone* (pp. 13-17).

10. Муйдинова, М. М. (2020). Архивы Узбекистана в социальном управлении. *Социальная политика и социальное партнерство*, (4), 70-76.

11. Муйдинова, М. М. (2021). АРХИВНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ КАК ОБЪЕКТ СОЦИАЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(1).

12. Муйдинова, М. М. (2020). АРХИВЫ КАК СОЦИАЛЬНЫЙ ИНСТИТУТ В СОЦИАЛЬНОМ УПРАВЛЕНИИ: ИСТОРИЯ И СОВРЕМЕННОСТЬ. *Журнал Социальных Исследований*, (SPECIAL 1).

13. Ismoilovich, I. M. (2021). THE SOCIETY IS AT A NEW STAGE OF DEVELOPMENT PRIORITY IN EDUCATION SYSTEM REFORM FUNCTIONS.

14. Ismoilovich, I. M. (2021, July). ISSUES OF TRANSFORMATION OF EDUCATIONAL EXPERIENCE OF DEVELOPED COUNTRIES. In *Euro-Asia Conferences* (pp. 227-239).

15. Isroilov, M. (2022). The system of education and its interaction with the concept of spirituality. *Asian Journal of Multidimensional Research*, 11(1), 88-93.

16. Ismoilovich, I. M. (2022). NAQSHBANDIYA TA'LIMOTINING TARBIYAVIY AHAMIYATI. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 88-91.



17. Исроилов, М. И., & Исроилова, С. М. (2022). ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ЙЎЛИДА. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(Special Issue 2), 82-87.
18. Джалолова, М., Рахманова, Э. Ю., & Косимова, Х. Н. (2021). ВОСПИТАНИЕ СЕНСОРНОГО ВОСПРИЯТИЯ У ДЕТЕЙ ДОШКОЛЬНОГО ВОЗРАСТА. *Scientific progress*, 1(6).
19. Sodirzoda, M. M. (2021). Ways to cultivate the creative thinking of beginners in the classroom through information and communication technologies. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 955-958.
20. Sodirzoda, M. M. (2021). Techniques of using folk proverbs in the cultivation of oral speech of primary school students. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(10), 481-484.
21. Sodirzoda, M. M. (2021). TO INCULCATE NATIONAL AND SPIRITUAL VALUES IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS THROUGH ETIQUETTE LESSONS. *Conferencea*, 31-32.
22. Каримов, Ў., Каримова, Г., & Каримов, Ў. (2021). ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ АХБОРОТЛАШУВ. *Central Asian Academic Journal of Scientific Research*, 1(1), 103-110.
23. Bozarov, D. M., & Karimova, G. Y. (2021). ROLE OF THE SELF-ORGANIZATION MODEL IN COMPLEX SOCIAL SYSTEMS. *Oriental Journal of Social Sciences*, 1-9.
24. Boltaboyev, M. (2020). HISTORY OF RELIGIOUS CONFESSIONAL POLITICS IN THE SOVIET PERIOD. *Theoretical & Applied Science*, (6), 668-671.
25. Salmonov, A., & Boltaboev, M. (2021, August). THE CONSEQUENCES OF THE SOVIET GOVERNMENT'S VIOLENT POLICY TOWARDS NON-MUSLIMS IN UZBEKISTAN: <https://doi.org/10.47100/conferences.v1i1.1251>. In *RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES* (No. 18.05).
26. Rayimov, A. A., & Karimova, G. Y. (2021). Social Aspects Of The Formation Of Social Activity In Youth. *Oriental Journal of Social Sciences*, 29-32.
27. Usmanov, N., Ganiev, B. S., & Karimova, G. Y. (2021). The Philosophical Basis For The Formation Of Spiritual Maturity Among Young People. *Oriental Journal of Social Sciences*, 33-37.
28. Salmonov, A., & Boltaboev, M. (2021, June). THE CONSEQUENCES OF THE SOVIET GOVERNMENT'S VIOLENT POLICY TOWARDS NON-MUSLIMS IN UZBEKISTAN. In *Конференции*.